



Америка Қўшма Штатлари
Давлат Департаменти
Консуллик Ишлари бюроси

**2014 ЙИЛ ТУРЛИ МИЛЛАТГА МАНСУБ ИММИГРАНТЛАР ВИЗАСИ
ДАСТУРИ (DV-2014) ЙЎРИҚНОМАСИ**

Конгресс қарори билан жорий этилган “Турли миллатларга мансуб иммигрантлар виза дастури –DV” ҳар йили Давлат Департаменти томонидан бошқарилади ва Қўшма Штатлар қонуни, айнан Иммиграция ва Фуқаролик Кодексининг (ИФК) 203(с) - бўлимига асосан амалга оширилади. Ушбу қонун “турли миллатларга мансуб иммигрантлар” деб аталувчи иммигрантлар синфини жорий этиб, Америка Қўшма Штатларига тарихан иммиграция кўрсаткичи паст давлатлардан бўлган шахсларга визаларни тақдим этади. 2014-солиқ йилида 50000 нафар DV визалари мавжуд бўлади.

Ҳар йилги DV дастури оддий, лекин қатъий талабларга мос бўлган шахслар учун доимий истиқомат визаларини олишга имкон беради. Компьютерлаштирилган тасодифий лотерея танлови орқали турли миллатларга мансуб иммигрантлар визалари учун номзодлар аниқланади. Визалар олти жўғрофий минтақалар орасида тақсимланади, ва ҳар бир минтақадаги ҳеч қайси бир давлатга бир йил ичида DV визаларининг етти фоизидан ортиғи берилмайди. Визалар АҚШга тарихан иммиграция кўрсаткичи паст бўлган давлатларда туғилган шахслар учун ажратилган. Сўнгги беш йилда АҚШга 50000дан ортиқ иммигрантлар жўнатган мамлакатларнинг шахслари DV дастурида иштирок этишлари мумкин эмас.

Қуйидаги давлатлар¹ ҳудудида туғилган шахслар DV-2014да иштирок этишлари мумкин ЭМАС, чунки бу давлатлар сўнгги беш йил давомида АҚШга умумий сони 50000дан ортиқ иммигрант жўнатишган:

БАНГЛАДЕШ, БРАЗИЛИЯ, КАНАДА, ХИТОЙ (материкда туғилганлар), КОЛУМБИЯ, ДОМИНИКАНА РЕСПУБЛИКАСИ, ЭКВАДОР, ЭЛЬ-САЛЬВАДОР, ГАИТИ, ҲИНДИСТОН, ЯМАЙКА, МЕКСИКА, ПОКИСТОН, ПЕРУ, ФИЛИППИН, ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, БУЮК БРИТАНИЯ (Шимолий Ирландиядан ташқари) ва унга қарам ҳудудлар, ва ВЬЕТНАМ.

Сянган (Гонконг), Аоминь (Макао) махсус маъмурий округи ва Тайвань фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

¹ “Давлат” сўзи мазкур изоҳда 13-бетда муайян санаб ўтилган мамлакат, иқтисодиёт ва бошқа юрисдикцияларни ўз ичига олади.

Бу йилги иштирок этишдаги ўзгаришлар:

DV-2014 БЎЙИЧА, ГВАТЕМАЛА ДАВЛАТИДА ТУҒИЛГАН ШАХСЛАР ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ МУМКИН.

Давлат Департаменти DV-2005дан бошлаб турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар жараёнининг самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш мақсадида электрон рўйхатга олиш тизимини йўлга қўйди. Департамент ноқонуний иммигрантлик мақсадида фирибгарлик қилганлар ёки кўп сонли ариза берганларни аниқлаш учун махсус технология ва бошқа воситаларни қўллайди.

DV ВИЗАСИ УЧУН РЎЙХАТДАН ЎТИШ ДАВРИ

DV 2014 турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига аризалар электрон шаклда Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4) билан 2012 йил, 2-октябрь, сешанба кuni соат 12:00 дан бошлаб, Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4) бўйича 2012 йил, 3-ноябрь, шанба кuni соат 12:00 гача топширилиши керак. Иштирокчилар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун виза аризасини рўйхатга олиниш вақти давомида www.dvlottery.state.gov веб-саҳифасида топшилари мумкин. Аризалар қозғоз нусхада қабул қилинмайди. Биз иштирокчиларга рўйхатга олиниш даврининг сўнгги ҳафтасигача кутиб ўтирмасликни маслаҳат берамиз. Юқори талаб веб-саҳифа фаолиятининг секинлашувига олиб келиши мумкин. EDT бўйича 2012 йил, 3-ноябрь кuni соат 12:00дан сўнг ҳеч қандай аризалар қабул қилинмайди.

ИШТИРОК УЧУН ТАЛАБЛАР

- **DV** дастурида қатнашиш учун сиз рўйхати берилган давлатлардан бирининг худудида туғилган бўлишингиз керак. [Вакиллари дастурда қатнашиши мумкин бўлган давлатларнинг минтақа бўйлаб бўлинган рўйхатини кўриб чиқинг.](#)
- **Талабларга мувофиқ бўлган давлатда туғилганлар:** Кўп ҳолатларда бу сизнинг туғилган давлатингизни англатади. Аммо, талабларга жавоб беришнинг икки бошқа ҳолати мавжуд. Биринчиси, агар сиз аҳолиси талабларга номувофиқ давлатда туғилган бўлсангиз, лекин сизнинг турмуш ўртоғингиз маҳаллий аҳолиси қатнашиш талабига мувофиқ давлатда туғилган бўлса, сиз ўз турмуш ўртоғингизнинг туғилган юртига тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин, бунда сиз ва сизнинг турмуш ўртоғингиз тўлдирилган аризада бирга бўлиб, биргаликда виза олиб, бир вақтда АҚШга кириш шарти қўйилади. Иккинчиси, агар сиз маҳаллий аҳолиси дастурда

қатнашиш талабига номувофиқ давлатда туғилган бўлсангиз, лекин сизнинг ота-онангиз у ерда туғилмаган бўлса ёки сизнинг туғилиш вақтингизда у ерда қонуний истиқомат қилувчи мақомида бўлмаган бўлса сиз ота-онангиздан бирининг туғилган давлатига, агар унинг маҳаллий аҳолиси DV-2014 дастурини қониқтирувчи давлат бўлса, тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин.

- **DV** дастурида иштирок этиш учун, сиз **DV** дастурининг таълим ёки иш тажрибаси юзасидаги талабини қониқтиришингиз зарур. Сиз ўрта ёки унга тенглаштирилиб, 12 йиллик бошланғич ва ўрта таълимни муваффақиятли тамомлаш деб белгиланувчи таълимга; ЁКИ сўнгги беш йил ичида энг камида икки йиллик тайёрлов ёки тажриба талаб қилувчи фаолиятда икки йиллик иш тажрибага эга бўлишингиз керак. Мувофиқ меҳнат малакасини аниқлаш учун АҚШ Меҳнат Департаментининг [O*Net OnLine](#) маълумотлар базаси қўлланилади. DV асосий мурожаатчи учун мувофиқ меҳнат малакаси хусусида қўшимча маълумот бўйича [Тез-тез сўраладиган саволлар #13](#) га қаранг.

Агар сиз мазкур талаблардан бирортасини қондира олмасангиз, сиз DV дастурига ариза **ТОПШИРМАСЛИГИНГИЗ** керак.

DV-2014 ГА АРИЗА ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

- Давлат Департаменти фақат тўлдирилган ва рўйхатга олиш даврида, яъни **Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4)** билан **2012 йил 2-октябрь, сешанба куни соат 12:00 дан бошлаб, Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4) бўйича 2012 йил, 3-ноябргача электрон шаклда www.dvlottery.state.gov га топширилган электрон турли миллатга мансуб иммигрантлар учун виза аризаларини қабул қилади.**
 - Ким топширганлигидан қатъий назар, агар шахс учун БИТТАДАН ортиқ ариза топширилган бўлса, мазкур шахснинг барча аризалари бекор қилинади. Сиз аризангизни ўзингиз тайёрлаб, топширишингиз ёки бошқалар сиз учун топшириши мумкин. DV дастурига рўйхатдан ўтишда **ТЎЛОВЛАР МАВЖУД ЭМАС.**
 - Йўриқнома талабларига асосан киритилган ариза рўйхатдан ўтказилганда экранда сизнинг исмингиз ва махсус хусусий тасдиқлов рақами тасвирланган тасдиқлов саҳифаси пайдо бўлади. Сиз мазкур тасдиқлов саҳифасини ўзингиз учун веб-браузерингизнинг “чоп этиш” функциясидан фойдаланиб, принтердан чиқариб олишингиз керак ва махсус хусусий тасдиқлов рақамингизни ўзингизга олиб қўйишингиз зарур. **2013 йил, 1-майдан бошлаб, сиз www.dvlottery.state.gov саҳифасига қайтиб кириб, ўзингизнинг DV -2014 га аризангизнинг мақомини (статусини) текшириш имкониятингиз бўлади. Аризачи мақомини текшириш ва ўзингизнинг махсус тасдиқлов рақамингизни киритиш. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси сизнинг DV-2014 дастурида сараланганингизни текширишнинг ҳамда кейинчалик қилишингиз керак бўлган жараёнлар ва иммиграцион**

визангиз бўйича суҳбатингиз кунини аниқлашнинг ягона усули бўлади. Шунинг учун, тасдиқлов рақамингизни сақлаб қўйишингиз ўта муҳим.

- Аризалар қоғоз шаклда қабул қилинмайди. DV-2014 Дастурида иштирок этишнинг ягона усули ушбу электрон равишдаги жараён орқали амалга оширишдир.

- **Аризангизда, сиз турмуш ўртоғингизни (эр ёки рафиқа) ва барча турмуш қурмаган 21 ёшга етмаган ҳаёт бўлган фарзандларни,** ҳаттоки улар асосий мурожаатчи билан бирга яшаш-яшамасликлари, ёки бирга ҳамроҳ бўлиш-бўлмасликлари, ёки асосий мурожаатчи АҚШга кўчиб кетганида унинг ортидан бориш-бормасликларидан қатъий назар киритишингиз шарт. Бундан аллақачон АҚШ фуқароси ёки Қонуний Доимий Резиденти бўлган фарзандлар мустасно. Аллақачон АҚШ фуқароси ёки Қонуний Доимий Резиденти бўлган турмуш ўртоқлар ва фарзандларга DV визаси талаб этилмайди ва уларга бундай виза берилмайди. Ушбу йўриқномага асосан аризани тўғри киргизмаслик аризангизнинг четлатилишига олиб келиши мумкин.

- **Сиз барча талаб қилинган фотосуратларни топширишингиз жуда муҳимдир.** Агар сиз барча талаб қилинган суратларни топширмасангиз, сизнинг аризангиз бекор қилинади. Қуйидаги шахсларнинг яқинда олинган суратлари электрон шаклда турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун виза электрон аризаси билан топширилиши шарт:
 - Сиз
 - Сизнинг турмуш ўртоғингиз
 - 21 ёшга етмаган, ҳаёт бўлган ва никоҳда бўлмаган барча фарзандларингиз, шу жумладан барча туғишган фарзандлар ҳамда қонуний асранди ва ўгай фарзандлар, ҳатто фарзанд сиз билан истиқомат қилмаса ҳам ёки сизнинг фарзандингизнинг сиз билан бирга DV дастури бўйича кўчиб кетиш нияти бўлмаса ҳам. Аллақачон АҚШ фуқароси ёки Қонуний Доимий Резиденти бўлган турмуш ўртоқ ёки фарзанднинг фотосуратини киритишингиз талаб этилмайди.

Турмуш ўртоғингиз ва ҳар бир фарзанд учун талаб қилинаётган фотосуратларни топширмаслик E-DV тизимида аризангиз тугалланмаган бўлиб қолишига сабаб бўлади. Ариза қабул қилинмайди ва қайта топширилиши зарур. Гуруҳ ёки оилавий расмлар қабул қилинмайди; ҳар бир оила аъзоси учун алоҳида фото сурат бўлиши даркор.

Ҳар бир шахсга тегишли бўлган хақиқий суратларни E-DV тизимига тўғри киргизмаслик асосий номзоднинг четлатилиши ва виза суҳбати давомида барча визалар рад этилишига олиб келиши мумкин. Суратлар эски ёки ўзгартирилган бўлса ёки қуйидаги тавсифланган талабларга мос бўлмаса, аризалар бекор қилиниб, виза рад этилиши мумкин.

Рақамли фотосурат (тасвир) топшириш учун кўрсатмалар


Сизнинг, турмуш ўртоғингиз ва ҳар бир фарзандингизнинг рақамли фото сурати (тасвири) E-DV аризаси билан бирга он-лайн режимда топширилиши керак. Тасвир файли янги рақамли сурат олиш ёки тайёр фотосуратни рақамли сканерден ўтказиш орқали яратилиши мумкин. Тасвир файли куйидаги келтирилган тузилиш ва техникавий жиҳатларга мувофиқ бўлиши лозим. Мурожаат этувчилар аризаларини топширишдан аввал суратларининг мувофиқлигини e-DV Интернет саҳифасида фотосуратларни текшириш манзилида баҳолаб кўришлари мумкин. Фотосуратларни текшириш саҳифасида фотосуратларнинг тузилишига доир қўшимча техникавий маслаҳатлар ҳамда талабларга мувофиқ ва номувофиқ фотосуратлар намуналари келтирилган.

Тузилиш жиҳатлари: Топширилган рақамли сурат куйидаги тузилиш жиҳатларига мувофиқ бўлиши зарур, акс ҳолда ариза бекор қилинади.

- **Бошнинг ҳолати**

- Суратга олинган шахс тўғри фотоаппаратга юзланиб туриши лозим.
- Шахснинг боши юқорига, пастга ёки ён томонга бурилмаган бўлиши керак.
- Бош узунлиги ёки юз қоплаган юза (бошнинг соч тепасидан, жағ остигача бўлган қисмигача ўлчанади) тасвирнинг жами узунлигининг 50 фоиздан 69 фоизгача бўлган қисмини қоплаши керак. Кўз хажми (тасвирнинг остидан кўз чизиғигача ўлчанади) тасвир узунлигининг 56 фоиздан 69 фоизгача бўлган қисмини эгаллаши керак.

- **Рақамли фотосурат бош ўлчамининг шаблони**



[Сурат Талаблари](#) веб-саҳифасидаги мисолларни кўриб чиқинг

- **Фон**

- Сураатга олинаётган шахс холис оч рангли фон олдида туриши зарур.
- Тўқ рангли ёки гулдор фон қабул қилинмайди
- **Фокус**
 - Сураат марказлашган (фокусда) бўлиши зарур.
- **Безаклар**
 - Сураатга олинган шахс қора кўзойнак ёки чалғитувчи бошқа жисмлар тақиб тушган фотосуратлар қабул қилинмайди.
- **Рўмол ва бош кийимлар**
 - Рўмол ёки бош кийимдаги шахсларнинг фотосуратлари, агар бу диний эътиқодга боғлиқ бўлиб, ва шунда ҳам, иштирокчи юзининг ҳеч қайси қисмини бекитиб турмаган бўлсагина қабул қилинади. Қабилага хос ёки диний хусусиятга эга бўлмаган бошқа бош кийимлардаги фотосуратлар қабул қилинмайди. Харбий, авиалиния ва бошқа хизматчиларнинг бош кийимдаги суратлари қабул қилинмайди.

24-бит ранг интенсивлигида туширилган рангли фотосуратлар талаб этилади. Рангли фотосуратлар фотоаппаратдан компьютердаги файлга кўчирилиши ёки компьютердаги файлга сканер орқали ёзилиши мумкин. Сканердан фойдаланётган бўлсангиз, хоссалар True Color ёки 24-bit ранг режимида бўлиши керак. Марҳамат, куйидаги кўшимча сканердан ўтказиш талабларини кўринг.

Техник жиҳатлар

Топширилган рақамли фотосурат куйидаги жиҳатларга мувофиқ бўлиши лозим, ақс ҳолда тизим электрон E-DV аризасини автоматик тарзда рад этади ва жўнатувчига хабар беради.

- **Янги рақамли сурат олинishi.** Олинган янги рақамли сурат куйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

Тасвир файл формати: сурат Joint Photographic Experts Group JPEG форматида бўлиши зарур.

Тасвир файлининг ҳажми: суратнинг файл ҳажми 240 (икки юз қирқ) килобайтдан (240KB) ошмаслиги зарур.

Тасвир равшанлиги ва ўлчамлари: минимал қабул қилинадиган ўлчамлар баландликда 600 пиксель ва кенгликда 600 пиксель. Тасвирнинг пиксель ўлчамлари квадрат мутаносибликда бўлиши керак (яъни баландлиги ва эни тенг бўлиши керак).

Тасвир ранги тўйинганлиги: тасвир рангли бўлиши шарт (бир пикселга 24бит). Оқ-қора 24-битли ва 8 битли фотосуратлар қабул қилинмайди.

- **Топширилган фотосуратни сканердан ўтказиш.** Фотосурат сканердан ўтказилишидан аввал юкоридаги талабларга жавоб бериши зарур. Агар чоп этилган фотосурат чоп этиш ранги ва тузилиш жихатларига кўйиладиган талабларга жавоб берса, чоп этилган суратни куйидагича созланган сканердан ўтказинг:

Сканер равшанлиги: бир дюймга камида 300(dpi) нукта равшанлик.

Тасвирнинг файл формати: сурат Joint Photographic Experts Group JPEG форматида бўлиши зарур.

Тасвир файлининг ҳажми: суратнинг ҳажми 240 (икки юз қирқ) килобайтдан 240 КВ ошмаслиги зарур.

Тасвир равшанлиги: 600x600 пиксель

Тасвир рангининг тўйинганлиги: 24 бит хоссали ранг. {Эътибор беринг, оқ-қора, монохром ва кул рангсимон тасвирлар қабул қилинмайди.}

ЭЛЕКТРОН АРИЗА УЧУН ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН МАЪЛУМОТЛАР

DV-2014 дастурида қатнашишнинг фақатгина бир йўли мавжуд. Сиз фақатгина www.dvlottery.state.gov E-DV веб сайтидагина мавжуд бўлган DV визаси учун электрон шаклдаги ариза (E-DV) – DS 5501 ни топширишингиз зарур. **Ариза формасини тўлиқ тўлдира олмаслик унинг бекор қилинишига олиб келади. E-DV аризасини топширганлардан E-DV ариза формасига қуйидаги маълумотларни киритишлари сўралади.**

МУҲИМ МАЪЛУМОТ: АҚШ Давлат Департаменти мурожаат этувчиларни дастурга аризани шахсан, яъни «Виза Маслаҳатчилари», «Виза Агентлари» ва аризаларни тўлдиришга ёрдам берадиган бошқа воситачилар ёрдамсиз топширишга ундайди. Агар бирорким (учинчи шахс) аризангизни тўлдиришда ёрдам берса, тасдиқ варағи билан махсус хусусий тасдиқ рақамингизни олиш учун анкета топширилаётган вақтда ёнида туринг. Воситачилар бундай тасдиқлов маълумотларини ўзларида олиб қолиб, кейинчалик сизнинг мақомингизни текширишда тўсқинлик қилишлари ва сизга текин очик бўлган маълумотларни билиб бериш учун сиздан ноҳақ пул ундиришга ҳаракат қилишлари мумкин.

ЭСЛАТМА: Сизнинг DV-2014 электрон ариза топшириш вақтида олган махсус тасдиқлов рақамингиз кейинчалик E-DV саҳифасига киришингиз учун талаб қилинади. Сиз 2013 йил, 1-майдан кейин E-DV (www.dvlottery.state.gov) саҳифасига кириб, аризангиз дастурда ғолиб бўлган ёки бўлмагани ҳақида маълумотни Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали кўришингиз мумкин. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) DV-2014 дастурида ғолиблигингизни текширишнинг ҳамда ариза сараланган бўлса қилинадиган навбатдаги жараёнлар, ва суҳбатингиз белгиланган кун ва вақтни аниқлашнинг ягона усули ва манбаи бўлади. Агар сизда тасдиқлов маълумотларингиз бўлмаса, сиз DV аризангиз мақомини текшира олмайсиз.

- 1. ТЎЛИҚ ИСМ** – Фамилия, исм, шариф. Тўлиқ исмингизни айнан паспортда кўрсатилганидек киритинг.
- 2. ТУҒИЛГАН САНА** – кун, ой, йил
- 3. ЖИНС** – эркак ёки аёл
- 4. СИЗ ТУҒИЛГАН ШАҲАР**
- 5. СИЗ ТУҒИЛГАН ДАВЛАТ** – Давлат номи ҳозирги пайтда сиз туғилган жойга нисбатан қўлланилидиган ном булиши керак.
- 6. DV ДАСТУРИ УЧУН ДАВЛАТ МУВОФИҚЛИГИ ЁКИ ТЕГИШЛИЛИГИ** – Давлатингизнинг мувофиқлиги одатда сизнинг туғилган юртингиз билан бир хил бўлади. Сизнинг давлатингиз мувофиқлиги сизнинг қаерда яшашингизга боғлиқ эмас. Агар сиз DV дастурида қатнашишга ҳақли давлатда туғилмаган бўлсангиз, давлат тегишлилиги бўйича кўрсатмаларни кўздан кечиринг ва у ердан давлат тегишлилиги бўйича сиз учун бирор имкониятлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқланг. Давлат тегишлилиги бўйича қўшимча маълумотлар учун [Тез-тез Сўраладиган Саволлар №1](#) ни ўқиб кўринг.
- 7. АРИЗА УЧУН ФОТОСУРАТ(ЛАР)** - Қаранг: [фотосуратлар учун техник мезонлар](#). Тегишли ҳолатларда, турмуш ўртоғингиз ва барча фарзандларингизнинг фото суратларини киритинг. Қаранг: [тез-тез сўраладиган савол № 11](#)
- 8. ПОЧТА МАНЗИЛИ** – Кимга, Манзил 1-сатр, Манзил 2-сатр, Шаҳар, Туман/Вилоят/Давлат, Почта индекси, Мамлакат
- 9. СИЗ БУГУН ЯШАЁТГАН МАМЛАКАТ**

10. **ТЕЛЕФОН РАҚАМИ (ихтиёрий)**
11. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ** - сиз бевосита киришингиз мумкин бўлган электрон почта манзилни кўрсатинг. Ҳолиб бўлганингиз ҳақида расмий хабар бу манзилга **ЖЎНАТИЛМАЙДИ**. Бироқ, агар аризангиз ҳолиб бўлса ва сиз Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали ҳолиблигингиз ҳақидаги хабарга жавоб берсангиз, сиз Давлат Департаментидан электрон почта орқали иммиграцион визангиз бўйича суҳбатингиз ҳақида батафсил маълумотларни Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)да кўриб чиқишингиз мумкинлиги ҳақида хабар оласиз. Давлат Департаменти сиз билан шу электрон почта манзили орқали боғланиши мумкин, лекин ҳечқачон DV дастурида ҳолиб бўлганлигингиз ҳақидаги маълумотни жўнатмайди.
12. **ШУ КУНГА ҚАДАР ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЭРИШГАН ЭНГ ЮҚОРИ БОСҚИЧИНГИЗ?** Сиз эришган энг юқори таълим даражангизни қуйидагилардан қайси **бири** намоиш қилишини белгиланг: (1) фақат бошланғич таълим (2) тўлиқсиз ўрта таълим, (3) тўлиқ ўрта таълим (4) касбий/ўрта махсус таълим (5) нотўлиқ олий маълумот (6) бакалавр (7) тугалланмаган магистратура (8) магистр (9) докторантура даражасида курслар (10) фан доктори
13. **ОИЛАВИЙ ҲОЛАТ** – Турмуш қурмаган, турмуш қурган, ажрашган, бева, қонунийлаштирилган алоҳида яшаш.
14. **БОЛАЛАР СОНИ:** Аризаларга турмуш ўртоғингиз ва барча фарзандларингизнинг исми-шарифлари, туғилган сана ва туғилган жойларини киритиш **ШАРТ**. Аризаларда шунингдек турмуш қурмаган ва 21 ёшдан кичик барча фарзандларингиз, жумладан ўз фарзандларингиз, қонуний асраб олган ва ўгай болаларингизнинг исми, туғилган санаси ва туғилган жойини, ҳатто қонуний жиҳатдан боланинг отаси (онаси) билан турмушда бўлмасангиз ва сизнинг турмуш ўртоғингиз ёки болангиз сиз билан бирга яшамаётган бўлса ва/ёки сиз билан бирга кўчиб кетмоқчи бўлмаса ҳам киритинг. Турмуш қурган ва 21 ёш ёки ундан катта фарзандлар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визада иштирок этиши мумкин эмаслигини унутманг; бироқ АҚШ қонунлари баъзи ҳолатларда болаларни “ёши ўтиб кетишидан” ҳимоя қилади. Агар DV аризасини тўлдираётган вақтингизда фарзандингизнинг ёши 21 дан кичик бўлган бўлса ва у виза берилишидан аввал 21 ёшга тўлса, у Болалар Мақомини Ҳимоялаш Акти томонидан ёши ўтиб кетишидан ҳимояланган бўлиши мумкин ва унга нисбатан виза жараёнлари мақсадида 21 га тўлмаган шахс сифатида муносабат кўрсатилиши мумкин. Сиздан аллақачон АҚШ фуқароси ёки қонуний доимий резиденти бўлган турмуш ўртоқ ёки фарзандни киритиш талаб қилинмайди, чунки

уларга DV визаси берилмайди. Талабларга жавоб берувчи барча фарзандларни аризада кўрсатмаслик асосий аризачининг четлатилиши ва виза учун суҳбат вақтида барча визаларга рад жавоби берилишига сабаб бўлади. [Тез-тез сўраладиган савол №11 ни кўринг.](#)

15. **ТУРМУШ ЎРТОҒИНГИЗ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ** – Исм, туғилган сана, жинс, туғилган шаҳар/жой, туғилган давлат, фотосурат. Турмуш ўртоғингизни аризада кўрсатмаслик асосий номзоднинг четлатилиши ва виза учун суҳбат вақтида барча визаларга рад жавоб берилишига сабаб бўлади. **Визага мурожаат этишдан аввал ажрашиш режангиз бўлса ҳам, турмуш ўртоғингизни аризада кўрсатишингиз шарт.**
16. **БОЛАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ** – исм, туғилган кун, жинс, туғилган шаҳар/жой, туғилган давлат, фотосурат. Юқоридаги #14-саволга кўра барча болаларингизни киритинг.

ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ САРАЛАНИШИ

Ҳар бир минтақа ва давлатга ажратилган визалар мавжудлиги асосида, компьютер барча мувофиқ аризалар орасидан тасодифий танлов орқали ғолибларни танлаб олади. **DV-2014 дастурининг барча иштирокчилари E-DVнинг Интернет саҳифасига кириб, DV-2013га электрон ариза топшириш вақтида сақлаб қўйган махсус тасдиқлов рақамларидан фойдаланиб, Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали ўз аризаларининг ғолиблар қаторида саралангани билиш учун киришлари талаб этилади. E-DVнинг www.dvlottery.state.gov интернет саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш (Entrant Status Check) функцияси 2013 йил, 1-майдан бошлаб то 2014 йил, 30-июнга қадар мавжуд бўлади. Ғолиблар қўшимча кўрсатмалар ҳамда АҚШга иммиграцияга боғлиқ тўловлар ҳақидаги маълумот жойлашган тасдиқлов саҳифасига йўналтирилади. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) DV-2014 сараланган иштирокчиларининг дастурда ғолиб бўлганларини хабар қилишнинг ЯГОНА йўли бўлади. Давлат Департаменти ғолибларга хабарномаларни почта орқали жўнатмайди. Тасодифий танлов орқали танланганлар электрон почта орқали **ОҒОҲЛАНТИРИЛМАЙДИ. ТАНЛАНМАГАН** шахслар интернетда Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали хабардор этилади. АҚШ элчихоналари ва консулликлари ғолиб иштирокчилар рўйхатини бера олмайди. Ғолиб иштирокчиларнинг турмуш ўртоқлари ва 21 ёшдан кичик турмуш қурмаган болалари асосий аризачи билан бирга жўнаш ёки ортидан бориш мақсадида ҳам визалар учун мурожаат қилишлари мумкин. DV-2014 визалари 2013 йил 1-октябрдан то 2014 йил 30-сентябргача берилади.**

Аризаларнинг кўриб чиқилиши ва турли миллатга мансуб иммигрантлар учун

визаларининг ғолиб иштирокчилар ва уларнинг талабларга мувофиқ оила аъзоларига берилиши 2014 йил 30-сентябрь 24:00 га қадар амалга оширилиши ШАРТ. Мазкур кундан сўнг ҳар қандай ҳолатда ҳам турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар берилмайди ёки ўзгартиришлар маъқулланмайди; шу билан бирга, мазкур вақтдан сўнг оила аъзолари ҳам ўзлари рўйхатдан ўтган аризадаги асосий иштирокчига қўшилиш учун турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визаларни ололмайдилар.

АҚШга иммиграция мақсадида DV визасини олиш учун, тасодифий танлов орқали кейинги босқичга сараланган аризачилар (сараланганлар дейилади) АҚШ Иммиграция Қонунчилигига мувофиқ ҚАММА талабларга жавоб беришлари шарт. Бу талаблар мазкур йўриқномада кўрсатилган айрим мамлакатларда туғилган кишилар, шу жумладан, терроризм ҳомийлари деб тайинланган давлатларда туғилган кишиларнинг аризалари янада мукамалроқ текширилишига ва кўриб чиқиш жараёнининг давомийлиги узокроқ бўлишига олиб келиши мумкин.

МУҲИМ ИЗОҲ

Йиллик DV дастурининг электрон лотерея аризаси учун ҳеч қандай ҳақ олинмайди. АҚШ Ҳукумати DV дастурини бошқариш ва уни амалга ошириш учун ҳеч қандай ташқи маслаҳатчи ва хусусий ташкилотларни ёлламайди. DV аризаларини тайёрлашда ёрдамни таклиф қилувчи ҳар қандай воситачилар ёки бошқалар буни АҚШ ҳукуматининг ваколатисиз ёки розилигисиз қилишади. DV аризасини тайёрлашда ташқи воситачиларни ёки ёрдамни қўллаш бутунлай иштирокчининг ихтиёрида. DV дастурида расмий рўйхатдан ўтиши мумкин бўлган ЯГОНА интернет саҳифа бу www.dvlottery.state.gov дир.

Бевосита иштирокчи томонидан электрон кўринишда топширилган талабга мувофиқ ариза билан иштирокчининг аризасини ҳақ эвазига тўлдирувчи воситачи киритган электрон аризининг компьютернинг танлаши олдида имконияти баробар. Лотереяга рўйхатдан ўтиши даври давомида қабул қилиб олинган ҳар бир аризининг ўз минтақасида тасодифий танлов орқали танланиши имконияти тенг. Лекин бир киши учун биттадан ортиқ ариза олинishi аризининг манбаидан қатъий назар шахсни рўйхатдан четлатади.

ТЕЗ-ТЕЗ СЎРАЛАДИГАН САВОЛЛАР

- 1. “МУВОФИҚЛИК”, “ҲУДУДИДА ТУҒИЛГАН” ВА “ТЕГИШЛИЛИК” ИБОРАЛАРИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ? МУВОФИҚ ДАВЛАТДА ТУҒИЛМАГАН ШАХС АРИЗА БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР БОРМИ?**

Давлатингизнинг мувофиқлиги одатда туғилган давлатингиз билан бир хил

бўлади. Давлатингиз мувофиқлиги қаерда яшашингизга боғлиқ эмас. **Худудида туғилган шахс** ибораси одатда кимнингдир бирор давлатда туғилганини англатади ва бунда мазкур шахснинг ҳозир яшаётган давлати ва фуқаролигининг аҳамияти йўқ. Иммиграция масалаларида эса, Иммиграция ва фуқаролик ҳақида Қонун 202(б) бўлимига кўра “худудида туғилган” атамаси маълум бир шахс туғилган давлатдан ташқари у “тегишли” бўлган давлатни ҳам назарда тутиши мумкин.

Масалан, агар сиз мазкур йилдаги DV дастурига мувофиқ бўлмаган давлатда туғилган бўлсангиз, сиз турмуш ўртоғингиз туғилган давлатга **тегишлиликни** даъво қилишингиз мумкин. Сизнинг мувофиқликлигингиз турмуш ўртоғингизга боғлиқ бўлганлиги сабабли, сизнинг турмуш ўртоғингиз DV-2 олишга мувофиқ бўлмагунга қадар сиз DV-1 иммиграцион визасини олмайсиз ва шу билан бирга, сиз турмуш ўртоғингиз билан бирга визаларни олгандан сўнг Америка Қўшма Штатларига бир вақтда киришингиз керак. Шу тарзда балоғатга етмаган фарзанд ота-она туғилган давлатга “тегишлилик”ни даъво қилиши мумкин.

Ва ниҳоят, агар сиз мазкур йилдаги DV дастурига мувофиқ бўлмаган давлатда туғилган бўлсангиз, фақат ота-онангизнинг бирортаси ҳам туғилишингиз пайтида номувофиқ давлатда қонуний истиқомат қилувчи мақомида бўлмаганлиги шарт билан, сиз ота-онангиздан бирининг туғилган давлатига “тегишли” бўлишингиз мумкин. Умуман, агар одамлар маълум давлатда туғилмаган ёки қонуний фуқаро бўлмай туриб бу давлатга шунчаки келган, вақтинчалик ўқиш учун ёки ташкилот, давлат номидан мутахассислик ёки бизнес сабаблари туфайли яшаб турган бўлса, улар давлатнинг қонуний истиқомат қилувчиси ҳисобланмайди. Агар сиз бошқа давлатга тегишлиликка даъво қилсангиз, сиз мазкур маълумотни E-DV аризасининг 6-саволида кўрсатиб ўтишингиз даркор. Илтимос, огоҳ бўлинг, берилаётган **мувофиқлик** ёки **тегишлилик** давлати нотўғри (асосланган даъво қилиб бўлмайдиган) бўлса, бу сизнинг аризангизнинг бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

2. МЕН ТАНЛАНГАНИМ ҲАҚИДА ХАБАРНОМА ҲАҚИҚИЙЛИГИНИ ҚАНДАЙ БИЛИБ ОЛАМАН? ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МЕН РОСТДАН ҲАМ DV ЛОТЕРЕЯСИДА ТАСОДИФИЙ ТАНЛОВ ЙЎЛИ БИЛАН САРАЛАНГАНИМНИ ТАСДИҚЛАТИШИМ МУМКИН?

Ариза топшириш даврида олган тасдиқлов варақангизни 2014 йил, июнь ойига қадар сақлаб қўйинг. Сиз E-DV нинг www.dvlottery.state.gov саҳифасида мавжуд бўлган Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) ёрдамида маълумотларни кўришингиз учун сизга махсус хусусий тасдиқлов рақамингиз керак бўлади. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) - DV-2014 қатнашчилари учун сараланганликлари ҳақида маълумот олиш, мурожаат қилиш жараёнидаги навбатдаги босқичлар билан танишиб чиқиш ва иммиграцион визага мурожаат

этиш суҳбатлари қачонлигини билишнинг ягона йўли бўлади. **Шуни билингики, Турли миллатларга мансуб иммигрантлар виза дастури учун расмий электрон ариза топшириш ва унинг мақомини текшириш учун E-DV www.dvlottery.state.gov саҳифаси Давлат Департаментининг ягона маъқуллаган саҳифаси ҳисобланади.**

Мурожаатларнинг мақоми (статуси) ҳақидаги маълумотлар 2013 йил, 1-майдан бошлаб то 2014 йил, 30-июнга қадар мавжуд бўлади. **DV дастуридаги мақомингизни текшира олишингиз учун сизда тасдиқлов маълумотларингиз бўлиши шарт.** Фақатгина тасодифий танлов йўли билан сараланган мурожаат этувчиларга DV визасига қандай мурожаат этиш ҳақида йўриқномалар берилади. Сараланмаган шахслар ҳам, аризалари сараланмаганини расмий Интернет саҳифадан текшириб кўришлари мумкин, лекин улар ҳеч қандай қўшимча кўрсатмалар олмайдилар. АҚШ Элчихоналари ва Консулликлари Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)га кира олишмайди ва улар сиз учун системани текшириб бера олмайдилар. Давлат Департаменти кейинги виза босқичига сараланганлар рўйхатини тақдим ЭТМАЙДИ.

Тасодифий танлов билан сараланган мурожаат этувчилар E-DVнинг Интернетдаги www.dvlottery.state.gov саҳифасида жойлашган Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entry Status Check) орқали олиниши мумкин бўлган сараланган шахсларнинг тасдиқлов варағида DV визасига мурожаат этиш жараёни ҳақида хабардор этиш бўйича кўрсатмалар оладилар. Мазкур кўрсатмаларда ёзилишича, мурожаат этувчилар DV ва бошқа иммиграцион визаларга боғлиқ барча тўловларни фақатгина АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигида аризаларини топшириш вақтида шахсан тўлашади. Консуллик Бўлими ғазначиси ёки Консулнинг ўзи тўлов қабул қилингани заҳотиёқ мазкур тўлов учун мурожаат этувчига АҚШ ҳукумати номидан квитанция беради. АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигида иммиграцион визага мурожаат этувчи сараланган қатнашчилар ҳеч қачон DV тўловлари учун почта, Вестерн Юнион ёки бошқа шунга ўхшаш хизматлар орқали пул жўнатмасликлари керак. Аллақачон АҚШда бўлган сараланган қатнашчилар DV тўловларини АҚШ банкига йўллаш бўйича алоҳида кўрсатмалар оладилар.

E-DV дастури аризалари Интернетда, расмий АҚШ Ҳукумати E-DV вебсайти www.dvlottery.state.gov да топширилади. Сараланган қатнашчиларга хатлар юборилмайди. АҚШ Ҳукумати ҳеч қачон танланган шахсларни хабардор этиш учун электрон почта орқали хабарлар жўнатмаган ва DV-2014 дастурида ҳам бу мақсадда электрон почтадан фойдаланиш режалари йўқ. Сараланган қатнашчилар фақатгина Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали хабардор этиш кўрсатмаларига амал қилган тақдирда, электрон почта орқали суҳбат кунлари ва вақтлари белгилангани тўғрисида хат олишлари мумкин. Бундай электрон почта хатлари сараланган қатнашчиларни Аризачи

Мақомини Текшириш Функцияси орқали суҳбат вақтларини билиб олишга кўрсатма беради холос ва хатнинг ўзида суҳбат белгиланган кун ва вақт ҳақида маълумот бўлмайди.

Илтимос шуни инобатга олингки, фақатгина ".gov" белгисига эга вебсайтлар расмий АҚШ ҳукумати сайтлари ҳисобланади. Кўп бошқа нодавлат вебсайтлар (масалан, ".com" ёки ".org" ёки ".net" қўшимчаларидан фойдаланиб) иммиграция ва визага тааллуқли ахборот ва хизматлар кўрсатишади. Нодавлат вебсайтлар маълумотлари мазмунидан қатъий назар, Давлат Департаменти бошқа вебсайтларда берилган ахборот ёки материалларни тасдиқламайди, тавсия қилмайди ёки таъминламайди.

Баъзи вебсайтлар мижозлар ва жамоат аъзоларини чалғитиб, ўзларини расмий вебсайтлар деб кўрсатишга ҳаракат қилишади ва электрон почта орқали ўз таклифларига жалб қилиш учун сиз билан боғланишлари мумкин. Мазкур вебсайтларда сиздан Давлат Департаменти вебсайти ёки хориждаги АҚШ Элчихона ва Консуллиги вебсайтларида текин берилувчи иммиграция тартиб-қоидалари ҳақида ахборот ва формалар учун тўлов ундиришга ҳаракат қилиниши мумкин. Қўшимча равишда, мазкур вебсайтларда сиз ҳақиқатда олмайдиган хизматлар, жумладан кўпинча турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун ариза ва виза тўловлари талаб қилиниб, очиқчасига сизнинг пулингизни ўзлаштириш ҳаракатлари қилиниши мумкин. Сиз мазкур фирибгарликлардан бирортасига пулингизни жўнатсангиз, уни қайтиб кўрмайсиз. Бундан ташқари, мазкур вебсайтларга бирор шахсий маълумотингизни жўнатишда эҳтиёт бўлинг, чунки бу шахсий ахборотингиз ўғирланиши ёки фирибгарликда фойдаланилиши мумкин.

3. НЕГА БАЪЗИ ДАВЛАТЛАРДА ТУҒИЛГАН ШАХСЛАР ТУРЛИ МИЛЛАТЛАРГА МАНСУБ ИММИГРАНТЛАР УЧУН ВИЗАЛАР ДАСТУРИГА МУВОФИҚ ЭМАС?

Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар тарихан АҚШга кўп сонли иммигрантлар жўнатувчи мамлакатлардан бошқа давлатлардан бўлган шахсларга иммиграция имкониятини беришга қаратилган. Қонунда белгиланишича, туғилган давлатларидан “кўп иммигрантлар қабул қилинган” бўлса, бу давлатда туғилган шахсларга турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар берилмайди. Қонунда белгиланишича, бу давлатлар сирасига ҳудудидан оилавий ва меҳнат виза тоифаларида АҚШга сўнгги беш йил давомида жами 50000 та одам кўчиб келган мамлакатлар киради. Ҳар йили, АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати (USCIS) ҳудудида туғилган шахслар турли миллатларга мансуб иммигрантлар виза дастури учун номувофиқ давлатларни аниқлаш учун сўнгги беш йил ичидаги оилавий ва меҳнат иммигрантлари сонини кўшиб, ҳисоблаб чиқади. Ҳар йилги E-DV аризалари вақтидан олдин алоҳида қарор қабул қилинганлиги сабабли ҳудудида туғилган

шахслар мувофиқ бўлмаган давлатлар рўйхати йилдан-йилга ўзгариб туради.

4. DV-2014 УЧУН ВИЗАЛАР ЧЕКЛОВИ РАҚАМЛАРДА ҚАНДАЙ ИФОДАЛАНАДИ?

Қонунга кўра, турли миллатларга мансуб иммигрантлар дастури мувофиқ инсонлар учун энг кўпи 55000 та доимий резидентлик визаларини ажратади. Бирок, 1997 йил Конгресс томонидан қабул қилинган “Никарагуани қайта тиклаш ва Марказий Америкага ёрдам тўғрисида” ги Қонунга (NACARA) кўра DV-1999 бошланишидан ва зарурият мавжудлигигача ҳар йили ажратилувчи 55000 турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалардан 5000 тагачаси NACARA дастури остида фойдаланилиши ҳақида қарор қилинди. Визалар сонини камайтириш амалда DV-2000 дан бошланди ва бу ҳолат DV-2014 да ҳам сақланиб қолади.

5. DV-2014 УЧУН АЖРАТИЛГАН ТУРЛИ МИЛЛАТЛАРГА МАНСУБ ИММИГРАНТЛАР УЧУН ВИЗАЛАРНИНГ МИНТАҚАЛАР БЎЙИЧА ЧЕКЛОВЛАРИ ҚАНЧА?

Иммиграция ва фуқаролик Актининг (INA) 203(с)-бўлимида белгиланган формуладан фойдаланиб, АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизматлари (USCIS) ҳар йил учун DVнинг минтақавий чекловларини аниқлайди. USCIS ўз ҳисоб-китобларини тугаллаши билан минтақалар бўйича визалар чекловлари эълон қилинади.

6. DV-2014 ДАСТУРИ УЧУН АРИЗАЛАР ҚАЧОН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

DV-2014 аризаларини қабул қилиш Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4) билан 2012 йил 2-октябрь, сешанба куни соат 12:00 дан бошлаб, Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4) бўйича 2012 йил, 3-ноябргача бўлган рўйхатга олиш даврида амалга оширилади. Ҳар йили миллионлаб одамлар рўйхатга олиш даври давомида дастурда қатнашишади. Аризаларнинг кўплиги муваффақиятли шахсларни танлаш ва қабул қилиш жараёнида жуда катта ҳажмдаги ишни юзага келтиради. Аризалар қабул даври, Шарқий Ёзги Вақт (EDT) 2-октябрдан бошлаб, то Шарқий Ёзги Вақт (EDT) 3-ноябргача бўлган даврда олиб бориш, танлаб олинганларни ўз вақтида огоҳлантиришни ва виза иштирокчилари ҳамда бизнинг элчихона ва консулликларимиз виза бериш тартибини тугаллаши учун етарли вақтга эга бўлишларини таъминлайди. Барвақт рўйхатдан ўтишингизни маслаҳат берамиз. Рўйхатга олиш даврининг сўнггида ўта юқори талаб тизимни секинлатиб қўйиши мумкин. 2012 йил 3-ноябрь шанба куни EDT бўйича 12:00 дан сўнг ҳеч қандай аризалар қабул қилинмайди.

7. АҚШДАГИ ШАХСЛАР ҲАМ ДАСТУРДА ИШТИРОК ЭТИШИ МУМКИНМИ?

Ҳа, аризачи АҚШ ёки бошқа давлатда бўлиши мумкин ва ариза АҚШ ёки чет элдан ҳам топширилиши мумкин.

8. ЙИЛЛИК E-DV РЎЙХАТГА ОЛИШ ДАВРИДА ҲАР БИР ИШТИРОКЧИ ФАҚАТ БИТТА АРИЗА ТЎЛДИРИШГА ҲАҚЛИМИ?

Ҳа, қонун бўйича ҳар рўйхатга олиш даврида бир шахс учун фақат битта аризага рухсат берилган. **Номидан биттадан ортиқ ариза топширилган шахслар дастурдан четлаштирилади.** Давлат Департаменти рўйхатга олиш даври мобайнида бирдан ортиқ аризалар топширган шахсларни аниқлаш учун мураккаб технология ва бошқа воситаларни қўллайди. Бирдан ортиқ аризалар топширган шахслар дастурдан четлатилиб, Давлат Департаментида электрон маълумот доимий равишда сақлаб қўйилади. Одамлар ҳар йили мунтазам рўйхатга олиш даврида иштирок этишлари мумкин.

9. ЭР ВА ХОТИН АЛОҲИДА АРИЗА ТОПШИРИШИ МУМКИНМИ?

Ҳа, агар эр билан хотиннинг ҳар бири мувофиқлик талабларини қондира олса, алоҳида ариза топшириши мумкин. Агар бири танланса, иккинчиси яқин қариндош сифатида мурожаат этиш ҳуқуқи бўлади.

10. E-DV АРИЗАМГА ОИЛА АЪЗОЛАРИМНИНГ ҚАЙСИЛАРИНИ КИРИТИШИМ КЕРАК?

Аризангизга турмуш ўртоғингизни (яъни эр ёки рафиқа), ҳамда 21 ёшга етмаган, ҳаёт бўлган ва турмуш қурмаган барча фарзандларингизни, улар сиз билан бирга яшаш-яшамасликлари, ёки бирга ҳамроҳ бўлиш-бўлмасликлари, ёки сиз АҚШга кўчиб кетганизда сизнинг ортингиздан бориш-бормасликларидан қатъий назар киритишингиз зарур. Сиз ҳатто ҳозирги пайтда турмуш ўртоғингиздан алоҳида яшаётган бўлсангиз ҳам уни аризангизга киритишингиз зарур (агар алоҳида яшашларингиз суд томонидан тан олинган ёки суд буйруғига асосланган бўлмаса). Агар сиз қонуний жиҳатдан алоҳида яшаётган ёки ажрашган бўлсангиз, собиқ турмуш ўртоғингизни аризага киритмайсиз. **Турмуш қурмаган ва E-DV аризасини тўлдираётган вақтингизда 21 ёшдан кичик бўлган туғишган фарзандларингиз, турмуш ўртоғингизнинг фарзандлари, ёки давлатингизнинг қонунларига мувофиқ равишда расмий асраб олган БАРЧА фарзандларингизни киритишингиз шарт.** Ҳатто E-DV аризасини тўлдираётган вақтингизда 21 ёшдан кичик бўлган болаларингиз сиз билан бирга яшамаса ёки уларнинг DV дастури бўйича иммиграция қилишини кўзламасангиз ҳам уларни аризага киритинг. Сиздан аллақачон АҚШ фуқароси ёки Қонуний Доимий Резиденти бўлган фарзандларни киритиш талаб қилинмайди.

Аризангизга оила аъзоларингизни киритганингиз уларнинг кейин сиз билан бирга иммиграция қилиши мажбурий эканлигини билдирмайди. Улар қолишга қарор қилишлари ҳам мумкин. Бироқ, агар сиз қарамоғингиздаги оила аъзосини дастлабки аризангизга киритмай туриб, виза олиш анкетасига киритсангиз, сизнинг аризаларингиз бекор қилинади. Бу ҳолат фақат дастлабки ариза топширилган вақтдаги оила аъзоларига тегишли бўлиб, кейин кўшилганларга тааллуқли эмасдир. Сизнинг турмуш ўртоғингиз сизнинг аризангизга киритилганига қарамасдан алоҳида аризасини топшириши мумкин ва шу билан бирга иккала ариза ҳам оилангиз қарамоғидаги барча оила аъзолар ҳақида маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак. Юқоридаги савол #9 га қаранг.

11. DV АРИЗАМДА БИР ЖИНСДАГИ ТУРМУШ ЎРТОҒЛАРИМНИ КИРИТИШИМ МУМКИНИ?

Йўқ, АҚШга бутунлай кўчиб кетиш учун АҚШ иммиграция қонуни бир хил жинсдаги никоҳларни тан олмайди. Бироқ, сизнинг бир жинсдаги шерингиз агар дастурнинг барча талабларига тўғри келса, унда у ўз аризасини DV дастурига киритиши мумкин.

12. ЎЗИМНИНГ АРИЗАМНИ ШАХСАН ЎЗИМ ТОПШИРИШИМ ШАРТМИ ЁКИ БОШҚА ШАХС НОМИДАН БУНИ ҚИЛСА БЎЛАДИМИ?

Одамлар аризаларини ўзлари тайёрлаб топширишлари, ёки кимгадир топширтиришлари мумкин. Аризани бевосита шахс томонидан топширилиши, ёки юрист, дўст, қариндош ва бошқалар томонидан ёрдам берилишидан қатъий назар, бир шахс номидан фақатгина битта ариза топширилиши мумкин бўлиб, ва фақатгина DV визасига эга бўлмоқчи бўлган шахснинг ўзи аризасидаги маълумотнинг тўғри ва тўлиқлигига жавобгар бўлиб қолади. Барча мурожаат этувчилар 2013 йил, 1-майдан бошлаб E-DVнинг www.dvlottery.state.gov Интернет саҳифасида жойлашган Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали ўз аризаларининг мақомини текшириб кўришлари мумкин. Мурожаат этувчилар ўзларининг тасдиқлов варақларини ўзларида олиб қолиб, унинг ёрдамида ўзлари мустақил равишда ўз аризаларининг мақомларини текшира оладилар.

13. ТАЪЛИМ ЁКИ ИШ МАЛАКАСИГА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛАДИ?

АҚШ Иммиграция қонуни ва меъёрий ҳужжатлар талабига кўра ҳар бир DV

иштирокчи энг камида ўрта ёки унга тенглаштирилган таълимга, ёки сўнгги беш йилда икки йиллик малака ёки таълим талаб қилувчи ишда икки йиллик тажрибага эга бўлиши керак. “Ўрта ёки унга тенглаштирилган таълим” тушунчаси, Америка Қўшма Штатларида бошланғич ва ўрта таълимдан иборат ўн икки йиллик ўқишни муваффақиятли ниҳоялаш ёки бошқа давлатда Қўшма Штатлардаги ўрта таълимга тенг расмий бошланғич ва ўрта таълимни муваффақиятли тамомлашни билдиради. Фақат расмий таълим йўналишлари шу талабга жавоб беради, сиртки таълим ёки тенглаштирилган таълим гувоҳномалари қабул қилинмайди. Таълим ёки иш тажрибасининг хужжатлаштирилган далили виза учун суҳбат вақтида консуллик ходимига кўрсатилиши керак.

14. ҚАЙСИ КАСБЛАР ТУРЛИ МИЛЛАТЛАРГА МАНСУБ ИММИГРАНТЛАР УЧУН ВИЗАЛАР ДАСТУРИГА МОС КЕЛАДИ?

Меҳнат малакасининг мувофиқлигини аниқлаш учун АҚШ Меҳнат Департаментининг [O*Net OnLine](#) маълумотлар базасидан фойдаланилади. Меҳнат Департаментининг (МД) [O*Net Online Database](#) маълумотлар базасидаги меҳнат малакаси гуруҳлари бешта “иш соҳаларига” бўлинади. МД веб саҳифасида кўплаб касблар санаб ўтилганига қарамасдан, фақатгина бир неча касблар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури талабини қондиради. Меҳнат малакангизга асосланиб, турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визага мувофиқ бўлиш учун сиз **Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP) доирасида 7.0 ёки ундан юқори гуруҳга киритилган Иш Соҳаси 4 ёки 5 деб белгиланган ишда** икки йиллик малакага эга бўлишингиз керак.

15. МЕҲНАТ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ВЕБ-САЙТИДАН МУВОФИҚ КАСБЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТОПАМАН?

DV га мувофиқ касблар Меҳнат Департаментининг [O*Net Online Database](#) маълумотлар базасида кўрсатилган. Касбингизнинг мувофиқлигини билиш учун қуйидаги тартибда иш тутинг: “Find Occupations” (Касбларни топиш) га кириб, у ерда махсус бўлим “Job Family” (касбий соҳа) ни танланг. Масалан, «Architecture and Engineering» (Архитектура ва Мухандислик) ни танлаб “GO”ни (Қидирув) босинг. Сўнгра, аниқ бир Касбни танланг. Юқоридаги мисолга ўхшаш, «Aerospace Engineering» (Аэрокосмос муҳандислиги) ни танланг. Махсус касб бўлимини танлаганингиздан сўнг, махсус Иш Зонасининг рақами ва Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP)даги рейтинг баҳоланишини билиш учун “Иш Зона”сини танланг. Қўшимча маълумотлар учун [Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар Лотереяси – Касблар Рўйхатини кўринг.](#)

16. МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОКЧИЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТАНЛАБ

ОЛИНАДИ?

Ҳар бир минтақадан қабул қилиб олинган барча аризалар алоҳида рақамланади, ва рўйхатга олиш даври сўнгида, компьютер ҳар бир географик минтақа бўйича қабул қилиб олинган аризаларини тасодифий танлаш йўли билан саралаб олади. Ҳар бир минтақа ичида биринчи танлаб олинган ариза рўйхатдан ўтган биринчи иш бўлиб, иккинчиси эса иккинчи бўлиб рўйхатдан ўтган ҳисобланади ва ҳоказо. Рўйхатга олиш даврида қабул қилинган барча аризаларнинг ўз минтақаси ичида танлаб олиниш имконияти тенг. Ариза сараланган тақдирда қатнашчилар 2013 йил, 1-майдан бошлаб E-DVнинг www.dvlottery.state.gov Интернет саҳифасида жойлашган Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали хабардор қилинадилар. Давлат Департаментининг Кентукки Консуллик Маркази (КСС), то визага ариза берувчи бўлиб танланганлар АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигига виза учун суҳбатга келишлари хусусида йўл-йўриқ олмагунча ёки Америка Қўшма Штатлардаги мавқеини ўзгартиришга мувофиқ бўлганлар маҳаллий USCIS муассасасига мурожаат қилмагунларига қадар ишни олиб боришда давом этаверади.

Мухим эслатма: Қатнашчилар 2013 йил, 1-майдан бошлаб то 2014 йил, 30-июнга қадар E-DVнинг www.dvlottery.state.gov интернет саҳифасида жойлашган Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали ғолибликлари ҳақида расман хабардор қилинадилар. Давлат Департаменти ғолиблик хабарномалари ёки хатларни почта ёки электрон почта орқали жўнатмайди. DV танловида сараланганлигиниз хусусида хат ёки электрон почта орқали хабарнома олсангиз, мазкур хабарнинг қонуний эмаслигидан огоҳ бўлинг. Давлат Департаментидан сизга юборилган ҳар қандай электрон хатлар мурожаатингизга боғлиқ бўлган янгиликларни кўриш учун Аризачи Мақомини Текшириш Функциясини кўриб чиқишингизга кўрсатма беради. Давлат Департаменти сиздан почта ёки Western Union орқали пул жўнатишни ҳеч қачон сўрамайди.

17. ТАНЛАНГАНЛАР ЎЗ МАҚОМЛАРИНИ USCIS ОРҚАЛИ ЎЗГАРТИРИШЛАРИ МУМКИНМИ?

Ҳа, агар улар мавқеъларини INA 245-бўлими шартларига кўра ўзгартиришлари мумкин бўлса, жисмонан Қўшма Штатларда бўлган сараланган шахслар, ўз мақомини доимий резидентга ўзгартириш учун USCIS га мурожаат қилишлари мумкин. **Ариза берувчилар USCISга 2014 йил 30-сентябргача ўз мурожаатлари, жумладан хориждаги турмуш ўртоқ ёки 21 ёшдан кичик бўлган фарзандлари бўйича жараёнларни тугата олишни таъминлаши шарт, чунки мазкур кунда DV-2014 дастури учун рўйхатга олиш тугайди. Ҳеч қандай ҳолатда 2014 йил, 30-сентябрь 24:00 дан сўнг DV-2014 дастури**

учун ҳеч қандай виза рақамлари берилмайди.

18. ТАНЛАНМАГАН ИШТИРОКЧИЛАР ОГОҲЛАНТИРИЛАДИМИ?

Барча мурожаат этувчилар, шу жумладан сараланмаганлар ҳам, ўзларининг аризалари натижасини E-DV www.dvlottery.state.gov веб саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали текширишлари мумкин. Мурожаат этувчилар, аризаларини топшириш даврида олган тасдиқлов варақаларини 2014 йил, 30-июнга қадар сақлаб қўйишлари керак. DV-2014 аризаси натижаси ҳақидаги маълумотлар 2013 йил, 1-майдан - 2014 йил, 30-июнгача бўлган муддат давомида интернетда эълон қилинади. (DV-2013 дастури бўйича жавоблар 2012 йил, 1-майдан 2013 йил, 30-июнгача Интернетда мавжуд бўлади.)

19. НЕЧА НАФАР ҚАТНАШЧИЛАР САРАЛАБ ОЛИНАДИ?

DV-2014 учун 50000 та DV визалар ажратилган. Бироқ сараланадиганлар сони бундан ортиқ бўлади, чунки биринчи танланган 50000 та одамнинг баъзилари виза талабларига жавоб бермасликлари ёки ишларини виза олиш босқичигача давом эттира олмасликлари эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли, барча DV визалари ишлатилишини таъминлаш учун SA/CST 50000 дан ортиқ ариза танлаб олади. Аммо, бу ҳолат дастлабки танланганлар учун визалар етмай қолиши мумкинлигини ҳам англади. Барча танланган иштирокчилар рўйхатдаги ўз ўринлари хусусида Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали тезлик билан хабардор қилинади. DV-2014 дастури учун суҳбатдан аввал талаб қилинадиган барча ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этган сараланганлар суҳбатлари 2013-йил октябридан бошланади. Хабарнома кўрсатмаларида сўралган барча талаб қилинадиган маълумотларни тақдим этган танланган иштирокчилар хорижда жойлашган АҚШ консулликлари ходимлари билан белгиланган суҳбатларидан 4-6 ҳафта олдин E-DV Интернет саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали суҳбат вақтлари ҳақида огоҳлантириладилар. Ҳар ойда ўша вақтда виза олишга тайёр иштирокчилар учун, визалар тартиб рақами тўғри келиш шарти билан, визалар берилади. Барча 50000та DV визалари берилиб бўлингач, шу йилги дастур ниҳоясига етади. Амалда, визалар 2014-йил сентябрдан олдин тарқатилиб бўлиши ҳам мумкин. Виза олишни хоҳловчи танланганлар тез ҳаракат қилишга тайёр бўлишлари керак. **Тасодифий танлов орқали сараланиш сизга виза олишингизга қафолат бермайди. Танлов фақатгина сиз DV визасига мурожаат этишингиз мумкинлигини ва агар талабларга жавоб берсангиз DV визаси берилишини билдиради. Фақатгина талабларга жавоб бериши керак бўлган биринчи 50000та мурожаат этувчиларга визалар берилади.**

20. E-DV ДАСТУРИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР УЧУН ЭНГ КАМ ЁШ

ЧЕГАРАСИ МАВЖУДМИ?

Дастурда иштирок этиш учун минимум ёш чегара талаби йўқ, бироқ ҳар бир иштирокчи учун ариза қабул қилиш вақтида қўйилган ўрта таълим ёки иш малакасига эга бўлиш талаби 18 ёшдан кичик бўлган кўпчилик шахсларни самарали четлатади. Ота-оналар ва ака-ука, опа-сингиллар мурожаатчининг қармоғидагилар деб DV визаларини олишолмайди ва улар асосий мурожаатчининг аризасида киритилмасликлари керак.

21. E-DV ДАСТУРИ УЧУН ТЎЛОВЛАР УНДИРИЛАДИМИ?

Электрон аризани топшириш учун ҳеч қандай тўлов ундирилмайди. DV иштирокчилари, виза аризасини топшириш жараёнидагина виза тўловларини бевосита АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигидаги консуллик ғазначисига тўлаши зарур. Қўшма Штатларда бўлган сараланган шахслар ўз мақомларини ўзгартириш учун барча талаб қилинадиган тўловларни бевосита USCISга тўлашади. Зарур турли миллатларга мансуб иммигрантлар визаси ва иммиграцион виза аризаси тўловлари ҳақида тафсилотлар Кентукки Консуллик Маркази танланган иштирокчиларга жўнатган йўриқномалар ичида бўлади.

22. АГАР МЕН САРАЛАНГАН БЎЛСАМ ВА DV ВИЗАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛСАМ, ЛЕКИН ВИЗА ОЛИШ ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМАСАМ, У ХОЛДА МЕН ТЎЛАГАН ВИЗА ТЎЛОВЛАРИ ҚАЙТАРИБ БЕРИЛАДИМИ?

Виза тўловлари қайтариб берилмайди. DV мурожаатчилари ушбу йўриқномада таъкидланган барча виза талабларига жавоб беришлари шарт. Агар Консул мурожаатчини виза талабларига жавоб бермаслигини аниқласа ёки АҚШ қонуни бўйича DV визасига нолойиқ бўлса, Консул мурожаатчига виза бера олмайди ва у тўлаган барча тўловлардан маҳрум бўлади.

23. DV АРИЗАЧИЛАРИ ВИЗА УЧУН НОМУВОФИҚЛИК МЕЗОНЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИМИ ЁКИ ОЗОД ҚИЛИНИШ АРИЗАЛАРИ МАХСУС КЎРИБ ЧИҚИЛАДИМИ?

Аризачилар “Иммиграция ва Фуқаролик ҳақидаги” Қонунда белгиланган иммиграцион визалар берилишига қўйилган барча таъқиқларга бўйсундилар. Қонунда белгиланганидан ташқари виза олишга куйилган таъқиқлардан озод қилиш ёки озод қилиниш ҳақида аризаларни алоҳида кўриб чиқишга оид махсус моддалар йўқ. Яқин қариндошлари АҚШ фуқаролари ёки АҚШ доимий қонуний резидентлари бўлган қатнашчилар учун таъқиқлардан озод этиш бўйича баъзи умумий жараёнлар назарда тутилган бўлишига қарамасдан, DV дастурининг вақт билан чекланганлиги бу қатнашчилар мазкур

жараёнлардан унумдор фойдаланишини мураккаблаштиради.

24. БОШҚА ТОИФАДАГИ ИММИГРАЦИОН ВИЗА УЧУН РЎЙХАТДАН ЎТГАН ШАХСЛАР DV ДАСТУРИДА ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ МУМКИНМИ?

Ҳа, бундай шахслар DV дастурида иштирок этишлари мумкин.

25. ТАНЛАНГАН АРИЗАЧИЛАР ҚАНДАЙ МУДДАТ ДАВОМИДА DV ТОИФАСИДАГИ ВИЗА УЧУН АРИЗА БЕРИШГА ҲАҚЛИ?

DV-2014 дастурида танланган шахслар виза берилиши учун фақат АҚШ Ҳукуматининг 2014-солиқ йили давомида, яъни 2013 йил 1 октябридан 2014 йил 30 сентябргача мурожаат қилиши мумкин. **Барча танланган ва талабларга мувофиқ этувчи мурожаатчилар, истисносиз, солиқ йилининг охиригача DV-визаси олиши ёки мавқеини ўзгартириши зарур.** Танланган лекин 2014 солиқ йилида (2014 йил, 30 сентябргача) виза олмаган шахсларнинг DV ҳуқуқлари кейинги йилга ўтказилмайди. Бундан ташқари, DV-2014 рўйхати орқали оила аъзолари визаларини олувчи турмуш ўртоқлар ва болалар DV тоифасидаги визаларни фақат 2013 йил, 1 октябрь ва 2014 йил, 30 сентябрь орасида олиши мумкин. Хорижда ариза берган аризачилар белгиланган консулликка ташриф кунидан тўрт ҳафтадан олти ҳафтагача олдин муддат орасида Департаментдан E-DV Интернет саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали ташриф куни ҳақида хат олишади.

26. АГАР E-DV ДА ТАНЛАНГАН ШАХС ВАФОТ ЭТСА, DV ИШИГА НИМА БЎЛАДИ?

Лотереяда танланган шахснинг вафоти DV ишининг ўша заҳотиёқ бекор қилинишига олиб келади. Ҳеч қайси мувофиқ турмуш ўртоқ ва/ёки болаларга мазкур иш бўйича DV визаси берилмайди.

27. ҚАЧОН E-DVдан ИНТЕРНЕТДА ФОЙДАЛАНИШГА ИМКОН БЎЛАДИ?

Интернет орқали аризалардан 2012 йил 2-октябрь, сешанба куни Шарқий Ёзги Вақти (GMT-4) бўйича 12:00 дан бошлаб 2012 йил 3-ноябрь, шанба куни Шарқий Ёзги Вақт (GMT-4) бўйича 12:00 гача бўлган рўйхатга олиш даври давомида фойдаланиш мумкин бўлади.

28. МЕН E-DV АРИЗАСИНИ КЎЧИРИБ, MICROSOFT WORD ФОРМАТИДА (ЁКИ БОШҚА МОС ДАСТУР) САҚЛАБ ҚЎЙИШИМ ВА КЕЙИН ТЎЛДИРИШИМ МУМКИНМИ?

Йўқ, сиз формани бошқа дастурда сақлаб қўйиб, кейин тўлдириб,

топширишингизнинг имкони йўқ. E-DV ариза формаси веб шаклида холос. Бу анкетани бировнинг интеллектуал мулки бўлган матн редакторларига чекламасдан, ишлатилишида энгиллик туғдиради. Бундан ташқари унда ахборот он-лайн режимида киритилиши ва топширилиши талаб қилинади.

29. АГАР МЕНДА СКАНЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИЛОЖИ ЙЎҚ БЎЛСА, МЕН ФОТОСУРАТЛАРНИ АҚШДАГИ ҚАРИНДОШИМГА ЖЎНАТИБ, СКАНЕРДАН ЎТКАЗТИРИБ, ДИСКЕТАГА ЁЗДИРИБ ВА МЕНГА ПОЧТА ОРҚАЛИ ЖЎНАТГАНИДАН СЎНГ ТОПШИРСАМ БЎЛАДИМИ?

Ҳа, фотосурат йўриқномадаги талабларга жавоб берса ва E-DV аризаси билан бир вақтда электрон шаклда топширилса, бунга йўл қўйилади. Аризачилар фотосуратни аввалдан сканердан ўтказиб қўйиб, сўнг унинг файлини он-лайн режимида анкета билан топширишлари лозим. Фотосуратни он-лайн аризадан алоҳида топшириш мумкин эмас. Ҳар бир киши томонидан ёки унинг номидан фақат битта он-лайн ариза топширилиши мумкин. Биттадан ортиқ топширишлар мазкур кишини DV-2014да иштирокдан четлатади. Бутун ариза (фотосурат ва анкета биргаликда) АҚШ ёки хориждан электрон тарзда топширилиши мумкин.

30. МЕН АНКЕТАНИ ОН-ЛАЙН РЕЖИМДА САҚЛАБ ҚЎЙИШИМ, БИР ҚИСМИНИ ТЎЛДИРИБ ВА КЕЧРОҚ ҚАЙТИБ КЕЛИБ, ҚОЛГАНИНИ ТЎЛДИРИШИМ МУМКИНМИ?

Йўқ. E-DV аризаси шундай тузилганки, у бирданига тўлдирилиши ва топширилиши зарур. Лекин ариза икки қисмдан иборатлиги ва тармоқда узилишлар ва кечикишлар бўлиши сабабли, E-DV тизими аризани кўчириб олиш ва он-лайн топширилгандан сўнг E-DV веб-сайтида қабул қилиниши орасида олтмиш (60) дақиқагача вақт беради. Агар олтмиш дақиқадан кўпроқ вақт ўтса, ариза электрон шаклда олинмаса, олинган маълумотлар ўчириб ташланади. Бундай қилинишининг сабаби тўлиқ ариза тасодифан аввалги ярим тўла аризанинг дубликати деб талқин қилинишига йўл қўймаслиқдир. Масалан, турмуш ўртоғи ва фарзанди бор аризачи E-DV аризасининг тўлдирилган биринчи қисмини жўнатади ва аризанинг иккинчи қисмини олади, лекин иккинчи қисмини жўнатишда боланинг сурати мавжуд файлни топа олмай, кечикиб қолади. Агар тўлдирилган иккинчи қисм олтмиш(60) дақиқа давомида аризачи томонидан жўнатилиб, E-DV тизими томонидан олинса, муаммо йўқ. Лекин аризанинг иккинчи қисми олтмиш (60) дақиқа ўтгандан кейин олинса, аризачи бутун аризани бошидан бошлаши лозимлиги ҳақида хабар олади. DV-2014 йўриқномасида аризага қандай маълумот киритилиши зарурлиги аниқ ва тўлиқ тушунтирилган. Шу тарзда сиз он-лайн режимида аризани тўлдиришни бошлашингиздан аввал ўзингизга зарур барча маълумотларни олганингизга ишонч ҳосил қилиб, тўлиқ тайёрланиб

олишингиз мумкин.

31. АГАР ТОПШИРИЛГАН РАҚАМЛИ СУРАТЛАР ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРМАСА, ЎРНАТИЛГАН ТАРТИБГА КЎРА ТИЗИМ E-DV АРИЗА ФОРМАСИНИ АВТОМАТИК ТАРЗДА РАД ЭТАДИ ВА ЖЎНАТУВЧИНИ ОГОҲЛАНТИРАДИ. БУ МЕН ЎЗ АРИЗАМНИ ҚАЙТА ТОПШИРА ОЛИШИМНИ БИЛДИРАДИМИ?

Ҳа, ариза қайта топширилиши мумкин. Ариза автоматик тарзда рад этилганлиги у E-DV веб-сайтига қабул қилинган деб ҳисобланмаслигини билдиради. У топширилган E-DV аризаси деб ҳисобланмайди ва қабул қилинганини тасдиқловчи хабар ҳам жўнатилмайди. Агар жўнатилган рақамли фотосурат билан муаммолар туғилса, у талабларга жавоб бермаганлиги сабабли E-DV веб-сайти томонидан автоматик тарзда рад этилади. Лекин рад хабари жўнатувчига етиш вақтини Интернет хусусиятларига кўра олдиндан айтиш қийин. Агар жўнатувчи муаммони ҳал қила олса ва олтмиш (60) дақиқа давомида аризанинг биринчи ёки иккинчи қисми қайта жўнатилса, муаммо йўқ. Акс ҳолда топшириш жараёнини қайтадан бошлаш зарур. Аризачи то тўлиқ ариза қабул қилиб олиниб, тасдиқ хабари жўнатилгунга қадар, неча марта зарур булса шунча марта ариза топширишга уринавериши мумкин.

32. ТЎЛДИРИЛГАН E-DV ФОРМАСИ ОН-ЛАЙН ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАНЛИГИ ҲАҚИДА ЭЛЕКТРОН ТАСДИҚ ХАБАРИ ТОПШИРИЛГАНДАН СЎНГ ДАРҲОЛ ЕТИБ БОРАДИМИ?

Мувофиқ E-DV аризаси қабул қилинганини тасдиқловчи E-DV веб-сайтнинг жавоби дарҳол жўнатилади. Лекин жавоб хабари жўнатувчига етиш вақтини Интернет ва электрон почта системаларининг хусусиятлари туфайли олдиндан айтиш қийин. Агар “Submit (топшириш)” тугмасини босгандан сўнг кўп вақт ўтган бўлса Submit тугмасини яна бир бор босишнинг зарари йўқ. Submit тугмаси қайта босилганда E-DV тизими чалкашмайди, чунки тасдиқлаш хабари ҳали олинмаган. Аризачи тўлиқ ариза қабул қилиниб, тасдиқ хабари жўнатилгунча аризани қайта-қайта топширишга ҳаракат қилиши мумкин. **Бироқ, тасдиқловчи маълумотлар саҳифаси чиққандан сўнг ўзингизнинг маълумотларингизни қайта киритманг.**

33. МЕН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИНТЕРНЕТДАГИ ФИРИБГАРЛИК ЁКИ РУХСАТ БЕРИЛМАГАН ЭЛЕКТРОН ПОЧТА ХАТЛАРИ ҲАҚИДА ТЕГИШЛИ ХАБАР БЕРИШИМ МУМКИН?

Агар сиз Интернетдаги фирибгарлик ҳақида шикоят қилмоқчи бўлсангиз, илтимос, Федерал Савдо Комиссияси қошидаги econsumer.gov веб-сайтига муурожаат қилинг. Бу 17 давлатнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза

қилиш органларининг қўшма саъй-ҳаракатлари бўлиб, уни <http://www.econsumer.gov/english/> сайтида топасиз. Шунингдек, Федерал Қидирув Бюросининг (FBI) [Интернетда жиноятга қарши шикоят марказига](#) мурожаат қилинг. Сўралмаган электрон хатлар устидан шикоят учун [Адлия Вазирлиги веб-сайтига](#) қаранг.

32. АГАР ШУ ДАСТУР БЎЙИЧА ВИЗАНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОЛСАМ, АҚШ ДАВЛАТИ АВИАБИЛЕТЛАР СОТИБ ОЛИШДА, УЙ ЖОЙ ВА ИШ ТОПИШДА ЁРДАМ БЕРИБ ЕКИ ТЎЛИҚ ЎРНАШИБ ОЛИШИМГА ҚАДАР МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАБ ТУРА ОЛАДИМИ?

Йўқ, DV визасини оладиган мурожаат қилувчилар учун авиабилетлар, уй жой ва субсидия тўловлари шаклида ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмайди. DV визасига мурожаат этиш учун сараланган бўлсангиз, сизга виза берилишидан аввал, сиз АҚШда давлат қарамоғига тушиб қолмаслигингизни исботлашингиз керак. Исботловчи маълумотлар ўз мол-мулкингиз ҳақидаги маълумот, «Ёрдам Тасдиқномаси» формаси, АҚШда яшовчи қариндошингиз ёки дўстингиздан I-134 формаси ва/ёки Америкадаги иш берувчидан ишга таклифномадан иборат бўлиши мумкин.

ХУДУДИДА ТУҒИЛГАН ШАХСЛАР DV-2014га МУВОФИҚ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР МИНТАҚА БЎЙЛАБ

Қуйидаги рўйхатларда мазкур йилниг турли миллатларга мансуб иммигрантлар визалари дастурига ҳар бир жўғрофий минтақалар бўйлаб ҳудудида туғилган шахслар DV-2014га мувофиқ бўлган мамлакатлар келтирилган. Хориждаги ҳудудлар ўзлари қарам бўлган давлат минтақасининг рўйхатига киритилган. Ҳудудида туғилган шахслар DV-2014 дастури учун номувофиқ бўлган мамлакатлар АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати (USCIS) томонидан Иммиграция ва фуқаролик ҳақида Қонуннинг 203(с) бўлимидаги формулага биноан аниқланади. Ҳудудида туғилган шахслар мазкур турли миллатларга мансуб иммигрантлар дастурига мувофиқ БЎЛМАГАН мамлакатлар (чунки улар оилавий ва меҳнат сабабларига кўра иммигрантликнинг асосий манбаидир, ёки иммигрантлик кўрсаткичи юқори мамлакатлардир) тегишли минтақавий рўйхатлардан сўнг белгиланган.

АФРИКА

Жазоир	Камерун	
Ангола	Кабо Верде	
Бенин	Марказий	Африка
Ботсвана	Республикаси	
Буркина Фасо	Чад	
Бурунди	Комор ороллари	

Конго
Конг Демократик Республикаси
Кот д'Ивуар
Жибути
Миср
Экваториал Гвинея
Эритрея
Эфиопия
Габон
Гамбия
Гана
Гвинея
Гвинея-Биссау
Кения
Лесото
Либерия
Ливия
Мадагаскар
Малави
Мали
Мавритания
Маврикий
Марокаш

Мозамбик
Намибия
Нигер
Нигерия
Руанда
Сан Томе ва Принсипи
Сенегал
Сейшел ороллари
Сьерра Леоне
Сомали
Жанубий Африка
Жанубий Судан
Судан
Свазиленд
Танзания
Того
Тунис
Уганда
Замбия
Зимбабве

Ғазо ҳудудида туғилган шахслар Мисрга тааллуқли. Иордан дарёсининг Ғарбий Қирғоғида туғилган шахслар Иорданияга тааллуқли. Голан Тепаликлари ҳудудида туғилган шахслар Сурияга тааллуқли.

ОСИЁ

Афғонистон
Баҳрайн
Бутан
Бруней
Бурма
Камбоджа
Шарқий Тимор
Сянган (Гонконг) Махсус
маъмурий округи
Индонезия
Эрон
Ироқ
Исроил
Япония
Иордания

Қувайт
Лаос
Ливан
Малайзия
Мальдив
Монголия
Непал
Шимолий Корея
Уммон
Қатар
Саудия Арабистони
Сингапур
Шри Ланка
Сурия
Тайвань

Таиланд
Тимор-Лесте
Бирлашган Араб Амирликлари

Яман

Қуйидаги Осиё давлатларида туғилган шахслар мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига мувофиқ эмас: Бангладеш, Хитой (материк ичида туғилганлар), Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Корея, Филиппин, ва Вьетнам. Гонгконг М.М.О.(Осиё), Макау М.М.О. (Европа) ва Тайвань (Осиё) **мувофиқ бўлиб**, шу ерда санаб ўтилган.

1967 йилнинг июнь ойигача Исроил, Иордания ва Сирия томонидан бошқарилган ҳудудларда туғилганлар, мувофиқ равишда Исроил, Иордания ва Сурияга тегишли бўладилар. Ғазо ҳудудида туғилган шахслар Мисрга тааллуқли. Иордан дарёсининг Ғарбий Қирғоғида туғилган шахслар Иорданияга тааллуқли. Голан Тепаликлари ҳудудида туғилган шахслар Сурияга тааллуқли.

ЕВРОПА

Албания	Макау	Махсус	Бошқарув
Андорра	Минтақаси		
Арманистон	Македония		
Австрия	Мальта		
Озарбайжон	Молдова		
Беларусь	Монако		
Бельгия	Черногория		
Босния ва Герцеговина	Нидерландия	(унинг таркиби	
Болгария	хориждаги		
Хорватия	қарам ҳудудлари)		
Кипр	Шимолий Ирландия		
Чехия Республикаси	Норвегия		
Дания (унинг таркиби ва хориждаги	Польша		
қарам ҳудудлари)	Португалия	(унинг таркиби ва	
Эстония	хориждаги		
Финландия	қарам ҳудудлари)		
Франция (унинг таркиби ва хориждаги	Руминия		
қарам ҳудудлари)	Россия		
Грузия	Сан Марино		
Германия	Сербия		
Греция	Словакия		
Венгрия	Словения		
Исландия	Испания		
Ирландия	Швеция		
Италия	Швейцария		
Қозоғистон	Тожикистон		
Косово	Туркия		
Қирғизистон	Туркманистон		
Латвия	Украина		
Лихтенштейн	Ўзбекистон		
Литва	Ватикан шаҳри		
Люксембург			

Қуйидаги Европа давлатлари ҳудудида туғилган шахслар мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун Визалар дастурига мувофиқ **эмас**: Буюк Британия (Бирлашган Қироллик). Буюк Британия (Бирлашган Қироллик) қуйидаги қарам ҳудудларни ўз ичига олади: Ангуилла, Бермуда, Британия Виржиния ороллари, Кайман ороллари, Фолькланд ороллари, Гибралтар, Монсеррат, Питкаирн, Муқаддас Елена, Турк ва Кайкос ороллари. Шуниси эътиборга моликки, Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурида, Шимолий Ирландияга ўзга ёндашув билан қаралди; Шимолий Ирландия **мувофиқ бўлиб**, мувофиқ давлатлар орасида келтирилди.

ШИМОЛИЙ АМЕРИКА

Багама ороллари

Шимолий Америкада Канада ва Мексика худудида туғилган шахслар бу йилги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурида иштирок этишга **номувофикдир**.

ОКЕАНИЯ

Австралия (унинг таркиби ва хориждаги қарам худудлари)
Фиджи
Кирибати
Маршалл ороллари
Микронезия, Науру
Федератив Штатлар
Янги Зеландия (унинг таркиби ва хориждаги

қарам худудлари)
Палау
Папуа Янги Гвинея
Соломон ороллари
Тонга
Тувалу
Вануату
Самоа

ЖАНУБИЙ АМЕРИКА, МАРКАЗИЙ АМЕРИКА ВА КАРИБ ОРОЛЛАРИ

Антигуа ва Барбуда
Аргентина
Барбадос
Белиз
Боливия
Чили
Коста Рика
Куба
Доминика
Гренада
Гайана
Гондурас

Никарагуа
Панама
Парагвай
Сент Кристофер ва Невис
Сент Люсия
Сент Винсент ва Гренадинлар
Суринам
Тринидад ва Тобаго
Уругвай
Венесуэла

Минтақада мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига худудида туғилган шахслар **номувофик** бўлган давлатлар: Бразилия, Колумбия, Доминикана Республикаси, Эквадор, Сальвадор, Гватемала, Гаити, Ямайка, Мексика ва Перу.